

# **Термиз туманида яшовчи оила вилоятда “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” деб топилди**



15 май - Халқаро оила куни муносабати билан республикамиз бўйлаб май ойи “Фаровон оила сари” ғояси остида кенг нишонланмоқда. Ойлик доирасида З босқичдан иборат **“Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи”** кўрик танлови ҳам ўтказилди.

Бугун ушбу кўрик танловнинг якуний, учинчи босқичи вилоят миқёсида Термиз шаҳридаги “Санъат саройи”да бўлиб ўтди. Танловда вилоятимизнинг 15 та шаҳар ва туманларида ўтказилган 2-босқич ғолиблари иштирок этишиб, турли шартлар бўйича ўзаро беллашишди. Танлов якунларига кўра ҳакамлар қарори билан Термиз тумани “Ш.Рашидов” маҳалласида яшовчи Жўраевлар оиласи вилоятда **“Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи”** деб топилиб, биринчи ўринни қўлга киритишли.

Ғолибларга ташкилотларнинг диплом ва БҲМнинг 15 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти сертификати топширилди.